

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.06.2020.Fal.60.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**СОИПОВА МОВЖУДА КАРИМЖОНОВНА**

**ФАННИНГ ҚАДРИЯТГА АЙЛАНИБ БОРИШ ЖАРАЁНИДА  
БАРКАМОЛ ИНСОН ШАКЛЛАНИШИНИНГ ИЖТИМОЙ  
ОМИЛЛАРИ**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)  
on philosophical sciences**

**Соипова Мовжуда Каримжоновна**

Фаннинг қадриятга айланиб бориш жараёнида баркамол инсон  
шаклланишининг ижтимоий омиллари..... 3

**Соипова Мовжуда Каримжоновна**

Социальные факторы гармоничного формирования человека в процессе  
развития науки как ценности ..... 25

**Soipova Movjuda Karimjonovna**

Social factors of harmonious human formation in the process of science  
development as a value..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 51

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.06.2020.Fal.60.04 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**СОИПОВА МОВЖУДА КАРИМЖОНОВНА**

**ФАННИНГ ҚАДРИЯТГА АЙЛАНИБ БОРИШ ЖАРАЁНИДА**  
**БАРКАМОЛ ИНСОН ШАКЛЛАНИШИНИНГ ИЖТИМОИЙ**  
**ОМИЛЛАРИ**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.1.PhD/Fal63 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Фаргона давлат университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.adu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Қамбаров Абдумутал Аҳаджонович**  
фалсафа фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Артиқов Тўлаибой Артиқович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Тўйчиев Бердиқул Тўрақулович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат иқтисодиёт университети**

Диссертация химояси Андижон давлат университети ҳузуридаги PhD 03/30.06.2020 Fal 60.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ дақиқасида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. Тел./факс: 0(374) 223-88-30, e-mail: agsu\_info@edu.uz)

Диссертация билан Андижон давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. Тел./факс: 0(374) 223-88-30.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ кун тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ дақиқасида \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)



**Ф.Х. Юлдашева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, фалсафа фанлари доктори, доцент

**А.А. Эгамбердиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Т.А. Артиқов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котибидеги илмий семинар раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда янги учинчи минг йилликда инсон ақлий-интеллектуал фаолияти мисли кўрилмаган даражада такомиллашиб ахборотлашган, постиндустриал жамиятда мутлақо янги фанлар тизими вужудга келмоқда. Бу эса замонавий фан ютуқларидан ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашда фойдаланишни тақозо этмоқда. Айниқса, инсон – жамият – табиат муносабатлари тизимидаги туб ўзгаришлар натижасида пайдо бўлган янги фанларга нисбатан кадриятлар тизимини шакллантириш ва шу орқали ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол инсон қилиб тарбиялаш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Дунёнинг ривожланган давлатларидаги етакчи илмий тадқиқот муассасалари ва илмий марказларида фаннинг вужудга келиши, унинг ривожланиш босқичлари, ахлоқий, аксиологик чегаралари борасида кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, фалсафий фанлар тизимида биоэтика фанининг вужудга келиши нафақат ахлоқшунослик, шунингдек, тиббиёт, биология, экология каби фанлар доирасида амалга оширилаётган тадқиқотлар инсон руҳий ва жисмоний борлигининг асл негизларига монанд бўлишига доир аксиологик баҳсларни вужудга келтирди. Бу эса бутун дунёда юзага келган вазият, глобал миқёсга эга бўлган воқеа-ҳодисаларни, шунингдек фанни эзгуликка хизмат қилиши муқаррарлиги тўғрисидаги қарашларни қайта кўриб чиқиш заруратини вужудга келтирди.

Ўзбекистонда замонавий фан натижалари тадқиқотчи олимлардан жадал изланишни ва ҳар бир масалага ижодий ёндашувни талаб этмоқда. Айни пайтда “мамлакатимизда илм-фанни янада раванқ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш”<sup>1</sup> учун илм-фанни ривожлантириш, унга аксиологик муносабатни шакллантириш вазифалари долзарблашиб бормоқда. Шунингдек, жамиятимизда фанга аксиологик муносабат муҳитини яратиш ҳамда “улғайиб келаётган ёш авлоднинг илм эгаллашга бўлган иштиёқи ва интеллектуал салоҳиятини ошириш”<sup>2</sup>нинг муҳим вазифалар сифатида белгиланиши билан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонлари, 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4306-сон “Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари

<sup>1</sup>Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. –Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – Б. 12.

<sup>2</sup><http://www.lex.uz/docs/4320713>. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4306-сон “Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори.

тўғрисида”ги Қарорида белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ғарб мамлакатлари олимларидан В.Ф.Гегель, М.Шеллер, Ф.Ницше, Г.Хакен, К.Майнцер, И.Пригожин, И.Стенгерс, В.С.Степин ва В.А.Шуперлар асарларида фаннинг кадриятга айланишининг синергетик жиҳатлари алоҳида ўрганилган<sup>3</sup>. Мазкур тадқиқотларда илмий ижодий фаолиятнинг объектив жараёнлари ва эпистемологик хусусиятлари инкор қилинган. Бинобарин, илмий фаолиятни объектив зарурат маҳсули сифатида ўрганиш ва билимнинг фаол ҳаракатлари орқали ёритиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

МДХ давлатларида фан ва унинг кадрият сифатида ривожланиши ҳамда фалсафий асослари давр нуқтаи назаридан Б.Г.Ананьев, Н.А.Бердяев, Д.Винникотт, В.Н.Дружинин, Р.Мэй, В.Н.Петрова, С.Л.Рубинштейн, В.Яковлев<sup>4</sup> каби олимлар томонидан ўрганилган. Жумладан, уларнинг асарларида, замонавий фанда юз бераётган аксиологик жараёнлар, бунда замонавий интеллектуал фаолиятни такомиллаштириш, уни ўрганиш методикасини интуиция билан боғлиқ жиҳатлари ўз аксини топган.

Ўзбекистонда тараққиётнинг янги босқичида ёш авлод онгида фанга кадриятли муносабатни вужудга келтириш жараёнини холис ўрганиш, уни фалсафий англаш билан боғлиқ назарий-методологик масалаларни том маънода илмий асосда ташкил этиш, хусусан, фаннинг жамият тараққиётидаги ўрнини тўғри баҳолаш имкониятини яратди. Бу борада И.Мўминов, Ж.Туленов, С.Шермухамедов, Қ.Назаров, Б.Тўйчиев, Х.О.Шайхова, И.Соифназаров, Н.Шермухамедова, Т.Артиқов, Г.Туленова<sup>5</sup>

<sup>3</sup>Мазкур олимларнинг асарлари диссертация охирида “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати” да келтирилган.

<sup>4</sup>Ананьев Б.Г. Психология и проблемы человекознания. – Москва-Воронеж, 1996; Ананьев Б.Г. Человек как предмет познания. – СПб.: Питер, 2001; Бердяев Н.А. Опыт эсхатологической метафизики // Творчество и объективация / сост. А.Г. Шиманский, Ю.О. Шиманская. – Мн.: Экономпресс, 2000; Бердяев Н.А. Смысл творчества // Философия творчества, культуры и искусства. — М.: Искусство, 1994.; Винникотт Д. Игра и реальность. – М.: Институт Общегуманитарных Исследований, 2002.; Дружинин В.Н. Психология общих способностей. – СПб: Питер, 2002.; Мэй Р. Мужество творить: Очерк психологии творчества. — Львов: Инициатива; – М.: Институт общегуманитарных исследований, 2001.; Петрова В.Н. Формирование креативной личности в процессе обучения в вузе // Электронный журнал «Знание. Понимание. Умение». — 2009. — № 9 —Комплексные исследования: тезаурусный анализ мировой культуры. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии, — СПб: Питер, 2005, Яковлев В. Философия творчества в диалогах Платона // Вопросы философии. — 2003. — № 6. — С. 142-154.

<sup>5</sup>Мўминов И.М. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихидаги ўрни ва роли. –Т.: Фан, 1968.; Пўлатов Х.П. Сизни яхши кўрар эдим, одамлар. –Т.: Хазинов,1994.; Туленов Ж. Кадриятлар фалсафаси. –Т.: Фан. 1998.; Шермухамедов С. Фалсафа ва ижтимоий тараққиёт. –Т.: Фан. 2005.; Назаров Қ. Кадриятлар фалсафаси (аксиология). –Т.: 2004.; Назаров Қ. Шайхова Х.О. Умуминсоний кадриятлар ва маънавий камолот. –Т.: 1992.; Соифназаров И. Маънавий баркамоллик ва сиёсий маданият. –Т.: Шарқ. 2001.; Шермухамедова Н.

каби файласуф олимларимиз томонидан олиб борилаётган илмий изланишларда, шунингдек, Ф.Юлдашева, А.Қамбаров, И.Сиддиқов<sup>6</sup> каби файласуф олимларимиз томонидан олиб борилаётган илмий изланишларда фанга аксиологик муносабат билдирганликларини алоҳида қайд этиш зарур.

Юқорида таҳлил қилинган тадқиқотларнинг аксариятида фан, ижод, унинг инсон ва жамият ҳаётидаги аҳамияти масаласи праксеологик жиҳатдан эмас, балки гносеологик ва эпистемиологик жиҳатдан таъриф ва тасниф этилган. Шунингдек, юқоридаги тадқиқотларда фан, унинг натижалари бўлган илмий мероснинг қадриятли моҳияти, уларнинг баркамол инсонни шакллантиришдаги аҳамияти махсус ёритилмаганлиги учун ҳам мазкур тадқиқотимизда фаннинг қадриятга айланиши ва унинг баркамол инсонни тарбиялашдаги аҳамиятини ижтимоий-фалсафий таҳлиliga эътибор қаратилган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Фарғона давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбекистонда глобаллашув ва фуқаролик жамияти шароитида шахс маънавий маданиятининг ривожланиш қонуниятлари” номли комплекс тадқиқот доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** фаннинг қадриятга айланиб бориш жараёнида баркамол инсонни шакллантиришнинг ижтимоий омилларини фалсафий жиҳатдан очиқ беришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида фаннинг қадрият сифатидаги диалектик, синергетик, детерминистик хусусиятларини очиқ бериш;

фаннинг гносеологик қудрати унга ҳар қандай салбий таъсир кўрсатувчи омилларга (сохта антисциентизм, нооқилона скептицизм) зарба берувчи институт сифатида ўзига аксиологик муносабатни рационалистик ва праксеологик жиҳатдан шакллантирувчи тизим эканлигини далиллаш;

шахс ижодий фаолиятида интеллектуал ресурсни миллий ва умуминсоний манфаатлар асосида рўёбга чиқариш ва унинг илмий қадриятлар билан интеграциясини ривожлантирувчи йўналишлари, ғоялари асосида ёшларда илмий-инновацион фикрлашни шакллантириш, мантиқан далиллаш;

баркамол инсонни шакллантиришда маънавий негиз сифатида ахлоқий, эстетик, сиёсий, ҳуқуқий, демократик омилларнинг аҳамияти, баркамол инсон маданиятини ривожлантириш, бевосита маънавий қадриятлар билан узвий боғлиқ ҳолда амалга ошишини асослаб бериш;

---

Фалсафа ва фан методологияси. –Т.: Алоқачи, 2008.; Туленова Г. Баркамол ёш авлод – истиқлол таянчи. –Т.: Фан ва технология. 2004.; Артиқов Т. Маънавият ва маърифат таҳлили. –Андижон.: Ҳаёт нашриёти. 2001.  
<sup>6</sup>Юлдашева Ф. Жамиятнинг маънавий янгилинишида диний қадриятларнинг ўрни ва роли. –Т.: Автореферат. 2006.; Қамбаров А. Жамиятнинг маънавий янгилинишида илмий қадриятларнинг ўрни. –Т.: Автореферат. 2006.; Сиддиқов И.Б. Ёшлар интеллектуал маданиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари. –Т.: Автореферат. 2020.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида фаннинг кадриятга айланиб бориш жараёни олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни фанни кадриятга айланиб бориш жараёнида баркамол инсонни тарбиялашнинг ижтимоий-фалсафий омиллари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда социологик, аксиологик, праксиологик ёндашув, тарихийлик, мантикийлик, тизимлилик, қиёсий таҳлил, кузатув, сўров усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида фаннинг кадриятга айланиб бориши объектив тарихий жараён эканлиги, фан аксиологиясининг жамиятда инновациялар ва модернизация юзага келиши натижасида мунтазам ривожланувчи диалектик, янги илмий назариялар ва илм-фан ютуқлари контекстида ўзгариб боровчи синергетик, жамият соҳаларининг ўзгаришига мос равишда баркамол инсон салоҳияти реализацияси ва фаолиятининг янги шакллари ҳисобига тараққий этувчи праксиологик хусусиятлари очиб берилган;

фаннинг гносеологик қудрати унга сохта антисциентизм, нооқилона скептицизм каби ҳар қандай салбий таъсир кўрсатувчи омилларга зарба берувчи институт сифатида ўзига аксиологик муносабатни рационалистик ва праксиологик жиҳатдан шакллантирувчи тизим эканлиги далилланган;

шахс ижодий фаолиятида интеллектуал ресурсни миллий ва умуминсоний манфаатларнинг уйғунлиги контекстида рўёбга чиқариш ва унинг илмий кадриятлар билан интеграцияси негизида шаклланивчи миллий салоҳиятни юксалтириш, инновацион ва илмий кадриятларни ўзлаштирган халқаро рақобатбардош кадрларнинг янги авлодини етиштириш, мамлакатнинг барқарор тараққиётини таъминлашга қаратилган илмни тижоратлаштиришга қаратилган стратегик йўналишларни ривожлантириш, ёшларда анланган прагматик эҳтиёжларни шакллантирувчи ғоялар асосида илмий-аксиологик дунёқарашни шакллантириш зарурати кўрсатиб берилган;

баркамол инсонни илмий-маънавий шакллантириш негизида ахлоқий, маданий, эстетик, сиёсий, ҳуқуқий демократик омилларнинг роли, замонавий инсон илмий дунёқарашини ривожлантириш бевосита фаннинг аксиологик моҳияти билан узвий боғлиқликда амалга ошиш жараёни ижтимоий фалсафий жиҳатдан асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

фаннинг кадриятга айланиб бориш жараёнининг ижтимоий-фалсафий омиллари (илмий инновацион фаолиятнинг мазмунини тўғри англаш, илмий жамоада ахлоқий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ўзаро мулоқот ва муомалада ахлоқий меъёрларга амал қилиш) зарурлиги кўрсатилган;

фанга аксиологик муносабат ва илмий-ижодий фаолият уйғунлигини аниқловчи омилларнинг ўзига хос хусусиятлари, ривожланиш тамойиллари ҳамда унинг шахс ижодий фаолиятига ижобий таъсирини (ижодий ёндашув, лаёқатлилик) фалсафий мушоҳада қилишга доир услубий кўрсатмалар ҳавола қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, респондентлар билан ўтказилган сўровлар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти баркамол инсон шахсини шакллантиришда фанга янгича муносабатнинг ижтимоий-маънавий зарурияти, шунингдек, шахс илмий-ижодий фаолиятини йўлга қўйишда ёшларнинг фанни қадрият сифатида намоён бўлишига тўсқинлик қилувчи муаммоларни бартараф этишга қаратилган илмий қадриятларга доир билимларини илмий-услубий жиҳатдан кучайтириш, ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда фаннинг қадриятга айланиб бориш жараёнини тўғри англаш ва илмий қадриятларнинг ёшлар камолотидаги ролини илмий асослашга қаратилган мавзуларни ишлаб чиқишда, шунингдек, илм-фан соҳаси ходимлари педагогик фаолиятини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, унда ўз аксини топган назарий хулосалар, аниқ амалий таклиф-тавсиялардан олий таълим муассасалари, Маънавият ва маърифат маркази, Ёшлар иттифоқи фаолиятида ёшлар билан уюштирилаётган мулоқот, давра суҳбатларида ҳамда ушбу йўналишдаги маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишда фойдаланилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Фаннинг қадриятга айланиб бориш жараёнида баркамол инсон шаклланишининг ижтимоий омиллари бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

Ўзбекистон янги тараққиётининг ҳозирги босқичида фаннинг қадрият сифатидаги диалектик, синергетик, детерминистик хусусиятлари ҳамда фаннинг гносеологик қудрати унга ҳар қандай салбий таъсир кўрсатувчи омилларга (сохта антисциентизм, нооқилона скептицизм) зарба берувчи институт сифатида ўзига аксиологик муносабатни рационалистик ва праксиологик жиҳатдан шакллантирувчи тизим эканлигига оид илмий-амалий таклиф ва тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2019-2020-йилларда ўтказилган тарғибот фаолиятида, шунингдек “Таълим муассасаларида ўқувчиларни Она ватанга муҳаббат ва садоқат, давлат рамзларига ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган янги ва таъсирчан шакллари ишлаб чиқиш ва жорий қилиш” мавзусида ўтказилган тарғибот ва ташвиқот ишларида диссертация материалларидан фойдаланилган (Республика маънавият ва маърифат маркази 2020 йил 25 сентябрдаги 829-сон маълумотномаси). Натижада ёш авлоди она ватанга муҳаббат ва садоқати, давлат рамзларига ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган ва устувор аҳамиятга эга бўлган вазифаларни аниқлаб олишга ва соғлом турмуш тарзини жорий этишга хизмат қилган;

шахс иждодий фаолиятида интеллектуал ресурсни миллий ва умуминсоний манфаатлар асосида рўёбга чиқариш ва унинг илмий

қадриятлар билан интеграциясини ривожлантирувчи йўналишлари ҳамда ғоялари асосида ёшларда илмий-инновацион фикрлашни шакллантиришга доир илмий янгиликларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Фан ва технологиялар агентлиги томонидан тақдим этилган А-1-099 рақамли 2015-2017 йилдаги “Ўзбекистоннинг барқарор стратегик тараққиётида фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш ва маънавий-ахлоқий хавфсизликни таъминлаш концепцияларининг аҳамияти” мавзuidaги лойиҳа доирасида чоп этилган “Баркамол инсонни тарбиялаш – давр талаби” номли ўқув-услугий кўрсатманинг “Шахс интеллектуал маданияти ва уни ривожлантириш масалалари” номли 4-бобини тайёрлаш ва нашр этишда кенг фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 21 ноябрдаги 89-04-2635-сон маълумотномаси). Натижада нашр этилган қўлланманинг “Шахс интеллектуал маданияти ва уни ривожлантириш масалалари” номли тўртинчи бобнинг мазмунан бойишига ва илгари сурилган назарий хулосалар ҳамда методологик тавсиялар ёшларнинг ижодий қобилиятларини юксалтиришга хизмат қилган;

баркамол инсонни шакллантиришда маънавий негиз сифатида ахлоқий, эстетик, сиёсий, ҳуқуқий, демократик омилларнинг аҳамияти, баркамол инсон маданияти ривожлантириши бевосита маънавий қадриятлар билан узвий боғлиқ ҳолда амалга ошишига оид хулосаларидан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар дастури 45-бандига асосан ёш авлоднинг китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш, уларнинг интеллектуал салоҳияти ҳамда танловнинг 2019 йил 8 ноябрдаги 01-07/-1714-сон мажлис баёнига илова билан тасдиқланган “Ёш китобхон” республика танлови низомини ишлаб чиқишда ҳамда танловнинг 2019 йил 16-22 февраль кунлари республика босқичини ўтказишда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Кенгаши 2020 йил 18 ноябрдаги 04-13/2745-сон маълумотномаси). Натижада ёшларнинг илмий ижодий фаолияти жараёнида китобхонлик маданиятини юксалтириш интеллектуал салоҳияти ҳамда саводхонлигини оширишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола (6 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда) нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 133 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, тадқиқотнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Фаннинг кадриятга айланиб бориш жараёнини тадқиқ этишнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида фан тараққиётининг объектив ва субъектив омиллари, фанлар тизими, фаннинг инсоният маънавий юксалишидаги аҳамияти, фан ва унинг натижаларининг кадриятга айланиш омиллари, фан натижаларининг илмий кадриятлар сифатида умуммаънавий кадриятлар тизимидаги ўрни, илмий кадрият тушунчасининг мазмун-моҳияти, илмий кадриятларнинг объекти ва субъекти, маънавий-маданий функцияларининг ижтимоий-фалсафий мазмуни ва моҳияти таҳлил қилинган.

Бугунги кунда фан ютуқларидан ижтимоий тараққиётда, жамият фаровонлигида самарали фойдаланиш вазифалари устуворлик касб этмоқда. Ҳар бир давлат ўзининг илмий имкониятларини ошириш, фан тараққиётини яратишга доир ислохотларни жадаллаштирмоқда. Ўзбекистон ҳам ўзининг янги тараққиёт босқичида илм-фанни юксак кадрлаш туйғусини ижтимоий муҳитда шакллантириш, жамиятда илмни эъзозловчи инсонларни тарбиялаш вазифаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Зеро, “олий маълумот оламан, ўз устимда ишлайман, деган, юрагида ўти бор, жўшқин ёшларимизнинг таҳсил олиши учун ҳамма қулайликларни яратишимиз шарт”<sup>7</sup>. Бу ишларнинг натижаси сифатида таълим сифатини ошиши, рақобатбардош кадрлар авлодини етишиб чиқиши ҳам тезлашиб боради.

Диссертант, тадқиқот ишининг умумий мақсадидан келиб чиққан ҳолда фаннинг аксиологик мазмун-моҳияти, концептуал асослари, луғатларда таърифланиши ва аксиологик асосларини тадқиқ этишни мақсад қилган.

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида қуйидагича таърифланган. “Фан” фалсафий тушунча бўлиб, аввало, инсон фаолиятининг соҳаси, олам ҳақидаги билимлар тизими, шунингдек, ижтимоий онг шаклларида бири. Фаннинг бевосита мақсади ўзининг ўрганиш предмети ҳисобланган воқеликнинг қонунларини кашф этиш асосида шу воқеликнинг жараён ва ҳодисаларини таърифлаш, тушунтириш, олдиндан айтиб беришдир”<sup>8</sup>. Демак, фан воқеликнинг қонунларини топишга қаратилган жараён бўлиб, инсон онгли фаолият тури ва ижтимоий онг феномени ҳисобланади.

Фан ижтимоий онгнинг шакли сифатида ижтимоий борлиқ ва бизни ўраб турган оламни илмий тасаввур этиш, тушуниш ва назарий тизимга солишнинг ўзига хос билимлар йиғиндиси ёки фан маънавий ишлаб чиқариш

<sup>7</sup> Мирзиёев Ш. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – Б. 13.

<sup>8</sup> Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 9-том. – Тошкент: Ўз.МЭ, 2005. – Б.182.

соҳаси бўлиб, тушунча, қонунлар, назариялар унинг асосий маҳсули ҳисобланади. Яъни, фан ўзининг таркиби ва вазифаларига эга бўлган ва уларни муайян ижтимоий меъёрлар ҳамда маданий шакллар асосида амалга оширишни таъминлайдиган ижтимоий муассаса, олимларнинг таъкидлашича, муайян тарихий босқичда фан бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланади.

Ҳозирги замондаги глобал ўзгаришлар ҳар бир воқеа-ҳодисага олимларни ҳам, инсонларни ҳам жиддий ёндашишга ундамоқда. Фанлардаги оламшумул янгиликлар, информациянинг глобаллашуви фандаги интеграция ва дифференциация жараёнларини кучайтириб юбормоқда. Зеро, “Буларнинг барчасидан биз ягона бир мақсадни кўзда тутмоқдамиз. Яъни, Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт”<sup>9</sup>. Бироқ бугунги фанлар тараққиёти ўз-ўзидан содир бўлган жараён эмас ва бунда позитивизм йўналиши олимларининг ҳиссаси бекиёс ҳисобланади. Улар томонидан ортодоксал фанлар классификациясини инкор қилиниши, янгича ёндашув асосида фанлар таснифини амалга оширилиши навбатдаги фан инқилобига замин ҳозирлади. Шу боис фанни қадриятга айланиб бориш жараёнини тадқиқ этишда позитивизм йўналиши олимларининг фаолиятини ёритиш ҳам мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида илм-фанни ривожлантириш, фанни тараққиёт асоси сифатида кадрлаш вазифалари долзарблик касб этмоқда. Чунки, фан ва шахс эркинлиги янги замон маънавий қадриятларининг туб асоси, таянч қадрияти саналади. Қадрият дейилганда кишилиқ жамияти, тараққиёти ва истиқлоли учун аҳамиятли бўлган ижтимоий, маънавий ҳодисалар қадриятлар жумласига киради. Қадрият деган тушунча кадр-қиммат, деган маънони билдиради. Қадриятлар жамият ижтимоий ва маънавий тараққиётнинг зарурий маҳсулидир. Бугунги глобаллашув жараёни фанни қадриятга айланишини тақозо этади. Зеро, “Бугунги кунда Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги, юксак босқичига қадам қўймоқда. Биз миллий тикланишдан – миллий юксалишга эришишни ўз олдимизга энг муҳим ва устувор вазифа қилиб қўйдик. Бу улуғ мақсадга эса жаҳон аҳли билан ҳамжихат бўлиб яшаш, очик демократик жамият қуриш, ҳаётимиздаги миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат туйғусини янада кенг қарор топтириш орқалигина эришиш мумкинлигини биз яхши англаймиз”<sup>10</sup>. Бундай ёндашув асосида ижтимоий-сиёсий муносабатларни ақлга мувофиқ, яъни фан хулосалари асосида ташкил этиш, тадбиркорлик, хусусий мулкчиликни рағбатлантириш, инсоннинг табиий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, сиёсий бошқарувнинг демократик шаклларини ҳаётга татбиқ этиш вазифалари ортиб бормоқда.

Фан тараққиёти илмий қадриятларни кадрлаш ҳиссини мустаҳкамлайди ва жамиятда илмий қадриятларни кадрлаш муносабати шаклланади.

<sup>9</sup> Мирзиёев Ш. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 80.

<sup>10</sup> Мирзиёев Ш. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-том. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – Б. 339.

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида ҳам илмий кадриятлар маънавий кадриятлар тизимида етакчи мавқега эга бўлиши билан ишлаб чиқаришни саноат асосида ташкил этиш, техник тафаккурни ривожлантириш, таълим тизимини дунёвий асосда ташкил этиш, профессионализм, касбий маҳоратни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўл очиб бермоқда.

Жамиятимизнинг янги ривожланиш босқичида фанга алоҳида эътибор қаратиш, илм-фанни ривожлантириш, илмни кадрловчи инсонларни тарбиялаш орқали жамиятнинг моддий аҳволини, фаровонлигини таъминлаш мумкин бўлади. Фаннинг ҳукмронлиги одамларнинг аҳволини яхшилаш билан бирга уларнинг маънавий ҳаёти, ахлоқи, кадриятларига ҳам таъсир қилади. Бу эса фаннинг бойлик манбаи сифатидаги аҳамияти ортиб боришига сабаб бўлади. Инсон борлиги тобора фан билан боғлиқ бўлиб, фаннинг табиат устидан эмас, балки инсонлар устидан ҳам ҳукмронлик қилишига олиб келди. Шундай қилиб, фан ривожини инсонлар жамоасини бутун маданиятини бир томонлама тараққиётга олиб келди. Мана шундай жараённи содир бўлиши учун эркин илмий муҳитни яратиш ва уларнинг фаолиятини кадрлаш талаб этилади.

Бугунги кунда жаҳондаги каби Ўзбекистонда ҳам фанни салбий таъсирини камайтириш, техноген салбий оқибатларнинг олдини олишга доир ёндашувлар ҳам шаклланимоқда. Шу боис мамлакатимизда “илм-фан ютуқларининг электрон платформаси, маҳаллий ва хорижий илмий ишланмалар базасини шакллантириш лозим”<sup>11</sup>. Дунёда фан билан инсон борлиги тобора яқин бўлиб бораётганлиги, улар ўртасидаги боғлиқлик кескинлашаётганлиги сабабли, фаннинг табиат устидан эмас, балки инсонлар устидан ҳам ҳукмронлик қилишига олиб келмоқда. Бу эса техноген цивилизацияси бухронини вужудга келтиради. Бундай бухронлардан фан-техникага асосланган Ғарб тафаккурига инсоннинг моҳиятини чуқурроқ ўрганадиган Шарқ тафаккурини қўшиш асосида кутқариш мумкин. Чунки бугунги кунда фан табиатни ўзгартириб инсон эҳтиёжига мослаштирмоқда. Шундай экан, жамиятимизда фан оқилоналигини, олимнинг ижтимоий масъулиятини ошириш ҳам талаб этилмоқда.

Жамиятда фан кадриятга айланиши учун том маънода илм – кучга айланмоғи зарур. Илмнинг кучи ва унинг самарадорлиги юксак билимга эга бўлиш билан изоҳланади. Инсон ҳаётининг турли-туманлиги билимлар таркиби билангина чегараланмайди, балки кадриятлар ва эзгулик ғояларини ҳам ўз ичига олади. Фан билан шуғулланиш оламга, табиатга кадрият нуқтаи назаридан қарашни тақозо қилади. Фан ҳамма вақт эркинлик, адолат, бахт, озодлик каби инсоннинг ҳаётий кадриятларини ардоқлашга хизмат қилади. Шундай экан, фан тараққиётга, илмий изланишларга инсонийлик руҳида ёндошиш лозим. Фан билишнинг олий шакли бўлиб, айрим фан вакиллари фанни муайян тадқиқотлар соҳаси билан боғлайдилар. Илмий билим, маънавий ишлаб чиқаришнинг барча шакллари каби инсоннинг ҳаётий-ижодий фаолиятини тартибга солиб туради.

---

<sup>11</sup> Мирзиёев Ш. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – Б. 14.

Фанни қадриятга айланиб боришида фан назарияларини чуқур ўрганиш ва уни амалиётга татбиқ этиш вазифалари юзага чиқади. Чунки амалиётда ўз исботини топган ва самарасини кўрсатган фан натижалари жамиятда уни қадрлаш ҳиссини ҳам шакллантиради. Шу боис яратилган фан назарияларини ўрганиш ва улар орқали янги назарияларни ҳам яратиш талаб этилади. Назария яратиш учун тажриба асосида қўлга киритилган далилларни шунчаки жамлашнинг ўзи камлик қилади. Бунинг учун ҳар доим муаммонинг моҳиятига қаратилган ихтирочилик лаёқати зарур бўлади. Аксарият ихтиролар саноат ишлаб чиқариши ёки кундалик маиший турмуш талабларидан келиб чиққан ҳолда яратилади. Айтиш мумкин, маънода одамлар эҳтиёжини қаноатлантиришнинг имкон қадар тежамкор йўллари топган инсонни ихтирочи деб аташ мумкин. Кашфиёт эса – кашфиётчидан мустақил равишда мавжуд бўлган нарса, ҳодисанинг субъект томонидан англаб етилишидир. Ижодкор одам ўз тажрибаси асосида юзага келган дунёнинг тартибсизлигидан яшириниш учун оламнинг соддалаштирилган аниқ қиёфасини яратади ва унга ўз кечинмаларини ҳам сингдириб боради. Бунда ижоднинг вазифаси тарих талабларига жавоб бериш, фаолиятнинг мутлақо янги дастурларини топишдан иборатдир. Умуман, илмий ижод кишидан илмий муаммони тўғри қўйиш ва унга танқидий муносабатда бўлиш каби билим ва кўникмаларни шакллантиради. Янги ғоя муаллиф томонидан илмий асослаб берилиши илмий ижодий фаолият асосида бажарилган илмий ишнинг ичида энг тараққий этган, ўзида янгиликни сақлаган, ижобий томонларга эга бўлган ва бошқалардан жиддий фарқ қилган унсурни ажратиш демакдир. Илмий-ижодий фаолиятда қизиқарли ва муҳим далилларнинг янги манбаларини аниқлаш, кашф этиш – олим ижодий тафаккурининг ёрқин кўриниши бўлиб, илмий кашфиёт унинг чўққисини ташкил этади. Олим ўзининг илмий ижодий изланишлари жараёнида мазкур сифатларни онгли ва изчил тарбиялайди. Бундай ёндашув ҳар бир ёш олимнинг ўзига хос ижодий фаолият услубини ташкил этади. Бетақрор фаолият эса олимнинг индивидуаллик фазилатларини билдиради.

Жамиятнинг янгилиниши, унинг ижодий фаолияти ўзига хос янгиликларни яратишга қаратилган бўлиб, бу жараёнда у ўзлигини ҳам англаб боради. Олим ҳам худди шундай. Илмий ижод олимнинг ўз шахсий ҳаётига эътибори, ўзини англаши, “ўзини кашф” этиши, кундалик воқеликдан тортиб, то илмий-назарий ғоялар доирасигача бўлган фаолиятни қамраб олади. Зеро, “фундаментал тадқиқотлар натижасида тўпланган янги билимлар олимларнинг амалий ва инновацион ишланмаларида ўз аксини топмоқда”<sup>12</sup>. Илмий-ижодий фаолиятни тартибга солишнинг умумий механизмлари қаторига ижодкорнинг дунёга ва ўз-ўзига бўлган муносабатлари тизимини тўла қамраб оладиган ва эвристик маданият алгоритми бўлиб хизмат қиладиган ранг-баранг илмий қадриятлар ва меъёрларни киритиш мумкин.

---

<sup>12</sup> Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б.170.

Ўзбекистон шароитида фаннинг тараққиёти илмий инновациялар асосида ҳам ривожланиб боради. Илмий ижодий фаолиятга хос бўлган новацион жараён эса назарий ва эмпирик жиҳатдан янги сифатли ҳолатга ўтиш, эскириб қолган қоида, вазият ва аҳамиятларни қайта кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлади. Шу маънода, назарий ва эмпирик янгиликлар йиғиндиси илмий ижодий фаолиятдаги инновацион яхлитлигини ташкил этади. Новация янги илмий ғоя ёки парадигмада қандайдир даражада “эскилик” элементи, нимадир, илгари бўлган бирор нарса борлиги ифодалангани. Шу тариқа биринчи марта яратилган янгилик юзага келади. Бу янгилик ихтирога тенг, яъни яна ўрнатилган янги ҳақиқат демакдир. Иккинчи ҳолатда эса, аввалги мавжуд бўлган ғоя ёки парадигмани янада такомиллаштириб, замонага мослаштиришга алоҳида эътибор қаратилади. Шундай қилиб, новация жамият ва табиат ривожланиши қонуниятларини яхлит ҳолда, тизимлар ранг-баранглигида англаш олдиндан кўра билиш учун зарур асос ва замин ҳисобланади. Дарҳақиқат, буюк олимлар ўзларининг кашфиётлари билангина эмас, балки уларнинг фаолияти одамларнинг жуда кўп авлодлари учун новаторлик ҳамда ҳақиқатга хизмат қилиш намунаси бўлганлиги туфайли фанда сезиларли из қолдирганлар. Яъни олимларнинг амалга оширган кашфиётлари эзгулик билан йўғрилган бўлиши лозим. Бироқ фандаги амалга оширилган кашфиётларнинг барчаси инсонпарварликка хизмат қилган деб бўлмайди. Чунки атом бомбасининг яратилиши инсоният учун мисли кўрилмаган муаммоларни келтириб чиқарди. Бундан кўринадики, фандаги амалга оширилган кашфиётлар диалектик табиатга эга.

Диссертант ушбу бобда шундай хулосага келадик, фан билан шуғулланиш оламга, табиатга қадриятли ёндашувни тақозо қилади. Фан ҳамма вақт эркинлик, адолат, бахт, озодлик каби инсоннинг ҳаётий қадриятларини ардоқлашга хизмат қилади. Шундай экан, фан тараққиётига, илмий изланишларга инсонийлик руҳида ёндошиш лозим.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Фаннинг қадриятга айланиб боришининг ижтимоий омиллари ва уларнинг динамикаси”** деб номланиб, ушбу бобда инсон интеллектуал фаолиятининг фаннинг қадриятга айланиб боришидаги ўрни, фаннинг қадриятга айланишига таъсир кўрсатувчи ижтимоий-маънавий институтлар, интеллектуаллар жамияти ва жамиятнинг маънавий тараққиёти даражаси, унинг ижтимоий шароитлари ўртасидаги диалектик алоқадорлиги атрофлича таҳлил қилинади.

Файласуф олим Ж.Туленов қадрият тушунчасига қуйидагича таъриф беради: “қадрият дейилганда инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиладиган ва шу туфайли улар томонидан баҳоланиб қадрланадиган табиат ва жамият неъматлари, ҳодисалари мажмуини тушунмоғимиз лозим”<sup>13</sup>. Бошқа файласуф олимларнинг фикрича эса, қадрият инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган, айрим халқ, миллат, элат ёки ижтимоий гуруҳлар ўзларининг тарихий тараққиёт жараёнида яратган, ўз манфаатлари

<sup>13</sup> Туленов Ж. Диалектика назарияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – Б.264-324.

ва мақсадлари йўлида хизмат қиладиган барча қимматдорликлар мажмуини тушунмоқ лозим<sup>14</sup>.

Бугунги кунда фанни қадриятга айланиб бориш жараёнида интеллектуал фаолиятнинг ўрни ва самарадорлигини ошириш вазифалари долзарблик касб этмоқда. Чунки интеллектуал фаолиятнинг қадрланиши фанни қадрланишини англатади. Инсоният тарихий тараққиётида фаннинг пайдо бўлиши, илмий билиш методларининг билиш жараёнига фаол татбиқ этилиши, фундаментал фанларнинг ривож ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Умуман, фан инсон феноменининг энг муҳим жиҳати ҳисобланади. Инсон камолотининг даражалари фан тараққиёти билан узвий боғлиқ ҳисобланади. Инсон ривож – фан ривож демакдир. Шу боис фаннинг қадриятга айланиб бориш жараёни инсоннинг фанларни яратиши, ўзлаштириши ва ривожлантириши, унинг натижаларидан ўзининг ҳар томонлама камолоти йўлида фойдалана олиш салоҳиятига боғлиқдир. Зеро, “ҳозирги кунда Ўзбекистонимизнинг китоб фондларида 100 мингдан зиёд ноёб қўлёзма асарлар сақланмоқда. Бироқ, айтиш керакки, уларнинг аксарияти ҳамон ўз тадқиқотчиларини кутиб турибди. Бу маънавий хазинани ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва оммалаштириш олдимизда турган муҳим ва шарафли вазифадир”<sup>15</sup>. Шундай экан, интеллектуал фаолият учун кенг имкониятларни яратиш билан бирга бу фаолият турига эркинлик ҳам бериш талаб этилади.

Диссертант фикрича, интеллектуал фаолиятнинг негизини ижод ва унинг айнан илмий кўриниши ташкил этади. Ижод – воқеликни бетакрор ва ўзига хос тарзда тушунишга бўлган интилиши ва мажмуасидир. Ижод камдан-кам ҳолларда инсон миясига келадиган, эҳтимол ҳаётда бир неча марта бўлиши мумкин бўлган ғайришуурий ва мураккаб жараёндир. Инсон ҳар қандай ижодий ҳаракатнинг асосий манбаси ҳисобланади. Инсон шундай ижод орқалигина жамиятнинг ҳақиқий бойлигини ошириши, ўзини ақллироқ, меҳрибонроқ, руҳини эса баландроққа кўтаради. Илмий ижод бу алоҳида фаолият бўлибгина қолмай – инсоннинг яшаш усули, режаси ва истиқболи ҳамдир. Ижодда ҳамма нарса сирли ва номуайян бўлиб, у кундалик ҳаётга худди тўфон каби эскича қарашлар, қотиб қолган андозаларни диалектик нуқтаи назардан инкор этади.

Илмий-ижодий фаолият таҳлилида “яратиш”, “кашфиёт” ва “ихтиро” каби тушунчаларининг функцияларини бажаради. Илмий жиҳатдан янги ғояни яратиш олим томонидан ижод маҳсулини вужудга келтиришни англатади.

Ҳозирги замон фанининг қадриятга айланиб бориши илмий-ижодий фаолиятнинг ривожланиши, хусусий фанлар тадқиқот методларининг бири-бирига ўтиши, айрим фанлар методларини ўзга фанларни тадқиқотида қўлланилиши билан белгиланади. Аммо фаннинг қадриятга айланиб бориши ҳар бир фан ичидаги билимда ҳам мавжуд. Чунки фаннинг қадриятга айланиб бориши илмий изланишнинг деярли ҳар бир қадамига ҳамроҳ бўлади.

<sup>14</sup> Туленова Г. Баркамол ёш авлод-истиклол таянчи. –Тошкент: “Фан ва технология”, 2004. – Б.45.

<sup>15</sup> Мирзиёев Ш. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-том. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – Б.329.

Редукция, методларни ўзлаштириш, гуманитар ва техника фанларининг усулларини бирлаштириш, муайян илмий ишловларни амалиётга татбиқ этишни танлаш, ҳал қилувчи экспериментнинг ўзи маълум комплекс ёндашув асосида амалга ошади. Илмий ҳамкорлик мезони сифатида фаннинг кадриятга айланиб бориши илмий билимни интегратив ривожлантиришнинг таркибий қисми сифатида ҳамisha олқишланган, дунёнинг постноклассик манзарасининг методологик асоси сифатида намоён бўлади.

Дарҳақиқат, илмий-ижодий фаолият натижасида фаннинг кадриятга айланиб бориши ўзига хос методологияга асосланиб, мураккаб ночизиқли тафаккур услубларига таянади. Масалан: Ўзбекистондаги “Майданак” расадхонаси ходимлари, яъни Ўзбекистон Фанлар академиясининг олимлари Алексей Сергеев ва Баҳодир Ҳафизовлар томонидан 2007 йил октябрида кашф этилган янги фазовий жисм “Самарқанд” деб номланган. Бу эса астрономиянинг тараққиёти учун улкан аҳамиятга эга бўлди. Кейин маълумотлар Гарварддаги Кичик сайёралар марказига жўнатилган. Аввалига у ердан бундай объект каталогларда йўқлиги ҳақидаги жавоб келган. Маълум муддат олиб борилган узлуксиз кузатувлар ортидан эса сайёра Кичик планеталар халқаро каталогига доимий 210271 (210271 Samarkand 2007 TU2) номи билан киритилган. Ушбу кашфиёт астрономия илмига тамал тоши кўйган самарқандлик буюк олимларимизнинг ишлари бугунги кунда ҳам авлодлар томонидан давом эттириляётганидан далолатдир. Баъзан биттагина илмий кашфиёт мамлакатни бутун дунёга машхур қилиши мумкин. Бу борада сўнгги йилларда мамлакатимизда илм-фан, хусусан ёш тадқиқотчи ва тадбиркорларнинг стартапларини қўллаб-қувватлашга бериляётган эътибор ҳам аҳамиятлидир.

Ўзбекистондаги дастлабки стартаплар ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига тегишли эди. Айримлари тезда оммалашди. Бундан ўн-ўн беш йил илгари онлайн бозорда пайдо бўлган “MyTaxi”, “MyJob” каби бир қанча янги сервислар кейинчалик мустақил компанияларга айланганини эсланг. Ёш дастурчиларимизнинг транспорт логистикаси бўйича ишлаб чиққан биттагина “Wing.ae” мобиль иловаси Бирлашган Араб Амирликларига 3 миллион АҚШ долларига сотилгани ҳам факт. Республикаимизда илм-фанни ривожлантиришга эътибор қаратилиб, жамиятни ислоҳ этишда янгича, замонавий фикрлайдиган кишиларга эқтиёжнинг ўсиб бориши, бу бевосита илму фан соҳасига ҳам дахлдорлиги эътироф этилган. Мамлакатимизда илм-фан соҳасига йилдан йилга маблағлар миқдори оширилмоқда. Лекин афсуски, устувор инновацион, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик, стартап лойиҳалари учун 2018 йилда 50 миллиард сўм миқдорида бюджет маблағлари ажратилган. Лекин ушбу маблағ ўзлаштирилиши таъминланмаган<sup>16</sup>. Демак, мамлакатнинг илмий, илмий-техника ва инновацион салоҳияти ягона мақсадга – илмий-техника тараққиётини таъминлашга хизмат қилади. Уларни алоҳида олиб қараганда ҳар бири ўзига хос вазифаларни бажаради ва ижтимоий-иқтисодий

<sup>16</sup> <http://www.biznes-daily.uz>. Бюджетдан ажратилган маблағ нега тўлиқ ўзлаштирилмаган? 16.11.2018.

ривожланишга таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли қарорига мувофиқ мазкур университетнинг аниқ ва табиий фанлар факультетларининг ўқув-илмий лабораторияларини жиҳозлаш мақсадида университетга 6,0 млн. АҚШ доллари ажратилди<sup>17</sup>. Қиёсий таҳлил қиладиган бўлсак, АҚШдаги Жон Хопкинс университети турли илмий тадқиқот ишлари, лойиҳалари ва дастурларига 2016 йилда 2,43 миллион доллар ажратган бўлса, Пенсилвания университети 2017 йилда 1,37 миллион доллар сарфлаган. Бизнинг давлат эса етакчи олийгоҳимизга АҚШнинг нуфузли олийгоҳларидан ҳам кўпроқ маблағ ажратди.

XXI асрга келиб фаннинг жамият тараққиётидаги ҳамда ижтимоий-маданий, маънавий ҳаётдаги роли мислсиз даражада ошди. Фаннинг ишлаб чиқариш билан интеграциялашуви унинг ижтимоий ҳаёт билан алоқалари мустақамланиб боришига замин яратди. Бу жараён Ўзбекистон тараққиётининг янги даври учун ҳам хос бўлиб, бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, яқинда илк натижалари эълон қилинган Ўзбекистондаги биринчи илмий акселератор – “С.А.Т. Science Accelerator” доирасида ўнлаб ёшлар олти ой мобайнида етук олимлар, маркетолог ва тадбиркорлардан стартап яратиш технологиясини ўрганди. Ўқув машғулотларига ҳатто АҚШнинг Силикон водийсидан мутахассислар жалб қилинган<sup>18</sup>. Булардан кўзланган бош мақсад эса 2018 йил 11 сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг “Инновацион фаолиятни янада кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорнинг ижросини таъминлаш, ёшларнинг илм-фанга аксиологик муносабатини шакллантиришдир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий янгиланишлар тизимида илмий қадриятлар алоҳида ўрин тутаяди. Бу жараённинг моҳиятини чуқурроқ тасаввур қилишда индивид, жамиятни, моддий, маданий бойликларини авайлаб-асраш ва ривожлантиришга қаратилган таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самараси ўз натижасини бермоқда. Таълимнинг вазифаси фуқаролик бурчлари, истиқлол ғоялари, демократия қадриятларга садоқатли эркин ва мустақил фикрлайдиган шахсни вояга етказишдан иборатдир. Таълимни янгича тушуниш, шахс қадриятини унинг эркинлиги билан уйғунлаштириш, таълимни инсонпарварлаштириш ва гуманитарлаш каби тамойиллар асосида қўйишда ёшларнинг фанга аксиологик муносабатини таркиб топтириш мумкин. Бунинг натижаси ўлароқ, инсонпарварлик тамойилларига асосланган таълимнинг янги қадриятлари шаклланишига, тегишли билим ва кўникмаларни таркиб топтиришга олиб келади<sup>19</sup>. Ўзаро боғланган инсоний ва интеллектуал

<sup>17</sup> <http://lex.uz/docs/4380624>

<sup>18</sup> Инновацион тараққиётга қачон етамиз. 29.05.2019. <https://uza.uz/>

<sup>19</sup> Миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда ташкилий – услубий ёндашувлар. – Тошкент: Академия, 2002. – Б.172-173.

фазилатлар мутаносиблиги таълим ва билим жараёнини қадриятли онг даражасида тушунишга, фан ва илмий қадриятлар моҳиятини тўғри англаб етишга олиб келади.

